

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМЛАРИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШДА ХАВФЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАЛАБЛАРИ**

Б.Р.Хамдамов, т.ф.ф.д.

Андижон машинасозлик институти,

Андижон, Ўзбекистон

З.Б.Рахмонова,

Андижон машинасозлик институти талабаси,

Андижон, Ўзбекистон

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш – жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фуқаролар соғлиги ва ҳаётини яхшилаш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва таъминотини барқарор сақлаш асосий йўналишларидан бирига айланган.

Мазкур йўналишда Республикамиз аҳолисига сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини узлуксиз етказиш, ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича стратегик жиҳатдан мақсадли ҳамда изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда сўнгги йилларда кўрилган чоралар натижасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорти 2 бараварга кўпайишига, йилига 10 миллион тоннадан ортиқ сабзавот, 17 миллион тоннадан ортиқ бошқа деҳқончилик маҳсулотлари, шунингдек чорвачиликда 2,5 миллион тонна гўшт етиштиришга эришилди.

Бугунги кунда озиқ-овқат саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва хавфсизлигини халқаро талаб даражасига кўтариш, рақобатбардошлигини ошириш учун ISO 9001 Сифат ва ISO 22000 Озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимлари халқаро стандартлари талабларини жорий этиш ва сертификатлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Юқоридаги халқаро менежмент тизимларини республикамизнинг барча озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирувчи, ишлов берувчи ва таъминловчи ташкилотлари тўла занжирида жорий этиш, маҳсулотлар хавфсизлигини ошириш ва уларни сифат жиҳатдан рақобатбардошлигини юксалтиришга олиб келади. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмолчига етказиш жараёнлари занжирида ортиқча йўқотишлар камаяди, самарадорлик ошади, меҳнат ресурслари такомиллашади, озиқ-овқатдан касалланиш орқали вужудга келадиган иш соатларини йўқотишлар барҳам топади. Натижада эса, инсонлар манфаат кўради. Менежмент тизимлари талабларини жорий этиш билан микробиологик, биологик, физик, кимёвий ва бошқа ифлосланиш хавфларининг олди олинади. Бошқарув тизимларини

сертификатлаштириш орқали озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи субъектлар ўз маҳсулотлари хавфсизлигини кафолатлайди ва савдо белгиси (бренди) остида юксалишини таъминлайди.

Ҳар қанча замонавий технологиядан фойдаланмайлик, инсонлар иштироки зарур бўлади, айниқса сифат назорати, техник хизмат кўрсатиш, маҳсулотларни саралаш, сақлаш, қадоқлаш, юклаш, ташиш ва бошқа жараёнлар ишчи ва мутахассисларсиз амалга оширилмайди. Мазкур жараёнларга бошқарув дастурларини ўрнатиш билан хавфсизлик ва сифат талаблари меъёрларига риоя қилиш назорати лозим.

Бу жараёнда хавфларни назорат қилиш энг муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги гуруҳи таҳдидларни таҳлил қилиш учун ҳужжатлаштирилган маълумотларни тўплаши, юритиши ва янгилаши, шу жумладан:

- a) истеъмолчининг зарур талабларини, қонунчилик ва давлат бошқаруви органлари томонидан белгиланган талабларни;
- b) ташкилотнинг маҳсулоти, жараёнлари, асбоб-ускуналарини;
- c) ОМХТМга таалуқли озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таҳлили қилиши шарт.

Озиқ-овқат материаллари билан контактда бўлган хом ашё материаллари, таркибий қисмлар ва материалларнинг хусусиятлари бўйича ташкилот ҳар бир хом ашё, таркибий қисм ва озиқ-овқат материаллари билан контактда бўлган материаллар учун озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича барча қабул қилинган ҳуқуқий ва меъерий талабларни аниқланишини таъминлаши шарт. Ташкилот барча турдаги хом ашёлар, таркибий қисмлар ва озиқ-овқат материаллари билан контактда бўлган материалларга таалуқли ҳужжатлаштирилган маълумотларни хатарларни таҳлил қилиш учун зарур бўлган даражада сақланиши зарур, жумладан:

- a) биологик, кимёвий ва физик хусусиятларни;
- b) мураккаб таркибий қисмлар, шу жумладан ишлаб чиқаришда ишлатиладиган қўшимча ва моддаларнинг таркибини;
- c) келиб чиқиши (масалан, хайвон, минерал ёки ўсимликлардан олинган);
- d) келиб чиқиш жойини;
- e) ишлаб чиқариш усулини;
- f) қадоқлаш ва етказиб бериш усулларини;
- g) сақлаш шароити ва яроқлилик муддатини;
- h) фойдаланиш ёки ишлаб чиқариш шароитида қайта ишлашдан олдин тайёрлаш ва / ёки ишлов беришни;

i) озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига тааллуқли бўлган қабул қилиш мезонлари ёки тегишли тарзда фойдаланиш учун сотиб олинган материаллар ва таркибий қисмлар бўйича норматив ҳужжатлар сақланиши.

Яқуний маҳсулот тавсифлари. Ташкилот яқуний маҳсулот учун ҳуқуқий ва меъёрий талабларни белгиланишини таъминлаши ва хатарларни таҳлил қилиш учун зарур даражада яқуний маҳсулот хусусиятларига тааллуқли ҳужжатлаштирилган қуйидаги маълумотларни сақлаб туриши керак, жумладан:

- a) маҳсулотнинг номи ёки батафсил идентификация;
- b) таркиби;
- c) озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига тааллуқли бўлган биологик, кимёвий ва физикавий хусусиятлар;
- d) кўзда тутилган сақлаш муддати ва шартлари;
- e) қадоғи;
- f) озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига тааллуқли бўлган белги қўйиш ва / ёки фойдаланиш учун тайёрланган қўллаш бўйича йўриқнома;
- g) дистрибуция ва етказиб бериш усул(лар)и тўғрисида маълумотлар.

Мақсадли фойдаланиш. Мақсадли фойдаланиш, яъни яқуний маҳсулотдан мақсадли фойдаланиш ва яқуний маҳсулотдан ҳар қандай тасодифий, аммо назарда тутилмаган эҳтимолий фойдаланиш бўйича хавф таҳлили учун зарур даражада ҳужжатлаштирилган маълумот шаклида кўриб чиқилиши ва тегишли ҳолатда сақланиши лозим.

Ҳар бир маҳсулот тури учун истеъмолчилар/фойдаланувчилар гуруҳи идентификация қилиниши ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига муайян таҳдидга нисбатан айниқса заиф бўлган истеъмолчилар/фойдаланувчилар гуруҳи ажратилиши шарт.

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги гуруҳи ОМХМТда белгиланган маҳсулот ёки маҳсулотлар тоифаси ва жараёнлар учун оқим диаграммаларини ҳужжатлаштирилган маълумот кўринишида яратиши, сақлаши ва янгилаб туриши ҳамда технологик схемалар тушунарли, аниқ ва етарли даражада батафсил бўлиши ва хатарларни таҳлил қилиш учун етарли ҳажмда маълумотларни ўз ичига олган бўлиши, шунингдек технологик жараёнлар оқими тегишли равишда қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

- a) барча жараёнларнинг кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлиги;
- b) ҳар қандай ташқи жараёнлар (аутсорсинг);
- c) технологик линиясида хом ашё материаллари, таркибий қисмлар, технологик қўшимчалар, қадоқлаш материаллари, бутловчи қисмлари ва ярим тайёр маҳсулотлар иштирок этадиган участкалар;
- d) қайтадан ишланадиган ва қайта ишлов бериладиган участкалар;

е) якуний, оралик, қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндилар чиқариладиган ёки олинадиган участкалар.

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги гуруҳи дастлабки ахборот асосида хатарларни таҳлил қилиши, назорат қилиниши шарт бўлган хавфларни аниқлаши шарт. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги хатарлари қай даражада назорат қилинишига боғлиқ, шунингдек вазиятга қараб, бошқарув тадбирларидан аралаш тарзда фойдаланиш мумкин. Ташкилот муайян маҳсулот, жараён ва жараён муҳитидаги озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига барча хатарларни аниқлаши ва ҳужжатлаштириши шарт.

Идентификация қуйидагиларга асосланган ҳолда ўтказилади:

- а) дастлабки олинган ахборот ва тўпланган маълумотлар;
- б) тажриба;
- с) ички ва ташқи ахборот, шу жумладан, имкониятга қараб, эпидемиологик, илмий ва бошқа тарихий маълумотлар;
- д) озиқ-овқат маҳсулотлари яратиш занжирининг босқичларида олинган, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига, жумладан якуний маҳсулот, оралик маҳсулотга ва бевосита истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига тааллуқли бўлган ахборот;
- е) қонунчилик ва давлат бошқаруви органлари томонидан белгиланган талаблар, истеъмолчиларнинг талаблари.

Тажриба ходимлардан ёки бошқа ишлаб чиқаришлардаги маҳсулот ёки жараёнлар билан таниш бўлган ташқи экспертлардан олинган ахборотни ўз ичига олиши мумкин.

Ҳуқуқий ва меъёрий талаблар озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги мақсадларини (ОМХМ) ўз ичига олиши мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларнинг хавфсизлиги қоидалари тўпламини ишлаб чиқиш бўйича Комиссия берган таърифга кўра, “ОМХМ – бу озиқ-овқат маҳсулотини истеъмол қилиш чоғида ундаги хатарлар частотаси ва / ёки концентрацияси бўлиб, унга мослаб тегишли ҳимоя даражаси (ТХД) белгиланади”.

Хатарлар уларни баҳолаш ва бошқариш бўйича тегишли тадбирларни танлаш учун етарли ҳажмда муфассал ўрганилиши шарт. Ташкилот озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига ҳар қандай хавфи юзага келиши, ортиши ва бўлиши мумкин бўлган босқич(лар)ни (масалан, хом ашёни қабул қилиш, қайта ишлаш, тақсимлаш ва етказиб бериш) белгилаши лозим.

Таҳдидларни идентификация қилишда ташкилот:

- а) озиқ-овқат маҳсулотлари яратиш занжиридаги олдинги ва кейинги босқичларни;
- б) технологик схемада белгиланган барча босқичларни;

с) жараёнда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, муҳандислик таъминоти воситалари/жараёнларнинг муҳити ва ходимларни эътиборга олиши шарт.

Ташкилот озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги учун ҳар бир идентификация қилинган таҳдиднинг якуний маҳсулот учун мақбул даражасини белгилаши шарт. Йўл қўйиладиган таҳдид даражасини аниқлашда ташкилот:

а) ҳуқуқий, меъёрий ҳамда истеъмолчилар талаблари тавсифланишини таъминлаши;

б) якуний маҳсулот нима учун мўлжалланганлигини инобатга олиши;

с) бошқа ҳар қандай зарур маълумотларни инобатга олиши шарт.

Ташкилот хавфнинг мақбул даражасини аниқлаш ва уларни асосланиши билан боғлиқ ҳужжатлаштирилган маълумотни сақлаб туриши лозим.

Хавфларни баҳолаш. Ташкилот аниқланган ҳар бир озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига таҳдидни баҳолаши шарт, чунончи бу мазкур таҳдидни бартараф этиш ёки йўл қўйиладиган даражагача камайтиришнинг қанчалик муҳимлигини аниқлаш учун зарур.

Аниқланган ҳар бир озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига хатар ташкилот томонидан:

а) бошқарув тадбири амалга оширилишидан олдин хатарнинг якуний маҳсулотда пайдо бўлиш эҳтимоли;

б) назарда тутилгандек фойдаланилган тақдирда, хатарнинг соғлиққа салбий таъсири жиддийлиги.

с) ташкилот озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги учун ҳар қандай жиддий хатарларни аниқлаши шарт.

Хавфларни баҳолаш учун фойдаланиладиган методология баён этилиши, баҳолаш натижалари эса ҳужжатлаштирилган ахборот кўринишида сақланиши шарт. Хавфларни баҳолаш натижаларига асосланган ҳолда, ташкилот тегишли бошқарув тадбирларини ёки бошқарув тадбирлари комбинациясини танлаши шарт. Улар аниқланган жиддий озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига хатарларнинг олдини олиш ёки белгиланган йўл қўйиладиган даражагача камайтириш имконини беради. Ташкилот танланган идентификацияланган бошқарув тадбирларини таснифлаши ва бу тадбирлар ОМХМТ ёки КНН сифатида назорат қилиши шарт.

Бошқарув тадбирлари тизимли ёндашувни қўллаган ҳолда таснифланиши лозим. Ҳар бир бошқарув тадбири бўйича:

а) самарасиз ишлаш эҳтимоли;

б) самарасиз ишлаган тақдирда оқибатларнинг жиддийлиги баҳоланиши лозим; мазкур баҳолаш куйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

1) озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига жиддий идентификацияланган таҳдидларнинг таъсири;

- 2) бошқа бошқарув тадбирларига нисбатан унинг тизимдаги ўрни;
- 3) у ўзгача усулда аниқланганми ва хавф йўл қўйиладиган даражагача камайтирилганми, камайтирилмаганми;
- 4) ушбу тадбир алоҳида тадбирми ёки бошқарув тадбирлари комбинациясининг бир қисмидир.

Бундан ташқари, ҳар бир бошқарув тадбири учун тизимли ёндашув:

- a) ўлчанадиган критик чегаралар ва / ёки ўлчанадиган/кузатиладиган баҳолаш мезонларни аниқлаш;
- b) ўлчанадиган критик чегаралар ва / ёки ўлчанадиган/кузатиладиган бажариш мезонларидан четга чиқишга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай хатони (оғишни) аниқлаш мақсадида мониторинг ўтказиш;
- c) бундай хато (оғиш)га йўл қўйилган тақдирда, ўз вақтида тузатиш киритиш имкониятини баҳолашни ўз ичига олиши лозим.

Қарор қабул қилиш жараёни, танлов натижалари ва бошқарув тадбирларини таснифлаш ҳужжатлаштирилган ахборот кўринишида сақланиши шарт.

Қайси бошқарув тадбири танланишига ва бу тадбирларнинг қатъийлигига таъсир қилиши мумкин бўлган ташқи талаблар (масалан, қонунчилик ёки давлат бошқаруви органлари томонидан белгиланган талаблар, истеъмолчиларнинг талаблари) ҳам ҳужжатлаштирилган ахборот кўринишида сақланиши шарт.

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги гуруҳи озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига жиддий таҳдидлар назарда тутилган тарзда назорат қилинишини таъминлаш қобилиятини тасдиқлаш мақсадида, танланган бошқарув тадбирларини валидация қилиши керак. Валидация бошқарув тадбирлари ёки бошқарув тадбирлари комбинацияси амалга оширилишидан олдин ўтказилиши лозим. Бу тадбирлар таҳдидларни назорат қилиш режасига ҳар қандай ўзгартиришдан кейин ҳам киритилиши мумкин.

Агар валидация натижаларига кўра бошқарув тадбирлари лозим назоратни таъминлаб бера олмаслиги аниқланса, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги гуруҳи бошқарув тадбирларини модификация қилиши (ўзгартириши), бошқарув тадбирларини ёки уларнинг комбинациясини такрор баҳолаши ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги гуруҳи валидация методологиясини ва бошқарув тадбирларининг кўзланган натижаларга эришиш кўрсаткичини тасдиқловчи маълумотларни ҳужжатлаштирилган ахборот кўринишида сақлаши шарт.

Модификация бошқарув тадбирларига ўзгартириш киритишни (яъни, жараён параметрларини ўзгартиришни, бошқарув тадбирлари ёки уларнинг комбинацияси мажбурийлик даражаси оширилишини) ва / ёки хом ашё материалларини ишлаб чиқариш технологиясини, якуний маҳсулотнинг хусусиятларини, якуний маҳсулотни тақсимлаш ва назарда тутилган фойдаланиш усулини ўзгартиришни ўз ичига олиши мумкин.

Ташкилот хавфларни бошқариш режасини ишлаб чиқиши, жорий этиши ва унга амал қилиши лозим. Хавфларни бошқариш режаси ҳужжатлаштирилган маълумот кўринишида сақланиши ва ҳар бир бошқарув тадбири бўйича идентификацияланган КНН ёки мажбурий дастлабки тадбирлар ишлаб чиқариш дастури (МДТИД) бўйича қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

- a) МННда ёки МДТИД ёрдамида назорат қилиш лозим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги учун таҳдид тўғрисидаги маълумот;
- b) МННдаги критик чегара(лар) ёки МДТИД учун бажариш мезонлари тўғрисидаги маълумот;
- c) мониторинг таомил(лар)и тўғрисидаги маълумот;
- d) критик чегаралар ёки бажариш мезонларига амал қилинмаган тақдирда киритилиши лозим бўлган тузатиш тўғрисидаги маълумот;
- e) масъулият ва ваколатлар тўғрисидаги маълумот;
- f) мониторинг доирасида ёзувларни юритиш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

КНН учун критик чегаралар ва МДТИД учун баҳолаш мезонларини аниқлаш лозим. Критик чегаралар ва баҳолаш мезонларини танлаш учун асос ҳужжатлаштирилган ахборот кўринишида расмийлаштирилиши лозим.

КННдаги критик чегаралар ўлчаса бўладиган бўлиши лозим. Критик чегарага мослик бу - йўл қўйиладиган даражадан ортиб кетмаганлик кафолати ҳисобланади.

МДТИД учун баҳолаш мезонлари ўлчаш ёки кузатиш имкони бўлиши шарт. Баҳолаш мезонига айнанлик бу - йўл қўйиладиган даражадан ортиб кетмаганликка кафолат ҳисобланади. Ҳар бир бошқарув тадбир(лар)и ёки бошқарув тадбирлари комбинацияси учун ҳар бир КННда мониторинг тизими белгиланган бўлиши лозим. Бу тизим критик чегараларга номувофиқликни аниқлаш имконини беради. Тизим критик чегара(лар)га тааллуқли бўлган барча кўзланган ёки режалаштирилган ўлчашларни қамраб олиши зарур. Ҳар бир бошқарув тадбир(лар)и ёки бошқарув тадбирлари комбинацияси учун ҳар бир МДТИД учун мониторинг тизими белгиланган бўлиши керак. Бу тизим критик чегараларга номувофиқликни аниқлаш имконини беради.

Ҳар бир МННда ва ҳар бир МДТИД учун мониторинг тизими ҳужжатлаштирилган ахборотда акс эттирилган бўлиши керак, жумладан:

- a) мақбул вақт оралиғида натижа олинишини таъминлайдиган ўлчашлар ёки кузатишлар;
- b) мониторинг усуллари ёки фойдаланиладиган ускуналар;
- c) ўлчаш ёки кузатишларнинг тўғрилиги учун қўлланиладиган калибрлаш усуллари ёки эквивалент усуллар;
- d) мониторинг даврийлиги;

- e) мониторинг натижалари;
- f) мониторинг олиб бориш учун ваколат ва масъулият;
- g) мониторинг натижасини баҳолаш учун ваколат ва масъулият.

Критик чегарадан чиқиш ҳолати ажратилиши ва маҳсулот баҳоланиши учун ҳар бир КНН учун шундай мониторинг усули ва даврийлиги танланиши керакки, токи критик чегаралардан чиқиш ҳолатлари ўз вақтида аниқланиши шарт.

Ҳар бир МДТИД учун хато юзага келиш эҳтимоли ва оқибатларнинг жиддийлигига мос мониторинг усул ва даврийлик танланиши лозим.

Агар МДТИД мониторинги кузатишларнинг субъектив маълумотларига (масалан, кўздан кечириш) асосланган бўлса, усулни йўриқнома ёки тавсифлари билан тўлдириш зарур бўлади. Ташкилот критик чегара ёки баҳолаш мезонларидан четга чиққанда қандай тузатиш ва тузатиш чораларини (8.9.3) амалга оширишни кўрсатиши ва:

- a) юзага келиши мумкин (потенциал) хавфли маҳсулот ишлаб чиқарилмаслигини;
- b) номувофиқликнинг сабаблари аниқланишини;
- c) КННда ёки МДТИД ёрдамида назорат қилинадиган критик чегаралар ёки бажариш мезонлари доирасидаги қийматларни;
- d) мазкур параметрлар критик чегара ёки бажариш мезонларидан четга чиқишига йўл қўйилмаслигини кафолатлаши шарт.

Ташкилот тузатиш киритиши ва тузатиш тадбирларини амалга ошириши шарт.

ТУЗАТИШ ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

2.3-жадвал

Жараён босқичлари	Хавф	Назорат ўлчов воситаси	Фаолият мезони	Мониторинг усули	Назорат даврийлиги	Тузатиш ва тузатиш чоралари	Ёзув	Жавобгар
Ишлаб чиқариш жараёни	Металдан ифлослана-ниш	Металл детектор	0,1 мм гача темир бўлақлари	Назорат мезонлари ва текшириш (верификация)	Назорат даврийлиги ҳар 2 соатда металл детекторни тузатиш	Маҳсулотларни хавфсиз жойга ташиш	ФР-03	Ишлаб чиқариш бошлиғи
.....								

НАССР РЕЖАСИ

2.4-жадвал

Жараён босқич-лари	Хавф	Критик чегара	Назо-рат мезон и	Монито-ринг	Мониторинг даврийлиги	Тузатиш ва тузатиш чоралари	Ёзув	Жавоб-гар
Тайёр махсу-лотлар-ни сақлаш	Микр о-биол огик ифло с-лани ш	E СОЛІ<10	0 - 4 °С сақла ш	Лабора-тория синов-лари, темпе-ра-турани даврий назорат қилиш	Тайёр махсулотлар ни жўнатишдан олдин ҳар биридан намуна олиш. Ҳар 8 соатда ҳароратни назорат қилиш	Махсулот-ни йўқ қилиш, омборни тозалаш.	ФР 01 ФР 10	Сифат назорат и ва омбор бўйича масъул-лар
.....								

Ташкилот таҳдидларни бошқариш режасини амалга ошириши ва унга амал қилиши, режа амалга оширилишини тасдиқловчи тегишли далилларни ҳужжатлаштирилган ахборот кўринишида сақлаши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат махсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4821-сон қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги “Қишлоқ хўжалиги махсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5995-сон фармони
3. Б.Р.Хамдамов, А.А.Мамажонов / ISO 22000: 2018 Озиқ-овқат махсулотлари хавфсизлиги менежмент тизимлари. Озиқ-овқат махсулотларини яратиш занжирида иштирок этувчи ҳар қандай ташкилотга талаблар. (Жорий этишга тавсиялар)./Монография, – Андижон - 2021, "АндМИ" нашриёти - 110 б.
4. Хамдамов Б.Р, Мамажонов А.А /Халқаро бозорга чиқишда ISO 22000 озиқ-овқат хавфсизлиги менежмент тизимларининг ўрни./ Наманган муҳандислик-технология институти илмий-техника журнали, Том 4 Махсус сон №3, 2019 й.
5. O’z DSt ISO 22000:2019 Озиқ-овқат махсулотлари хавфсизлиги менежменти тизимлари. Озиқ-овқат махсулотлари яратиш занжирида иштирок этувчи ташкилотларга қўйиладиган талаблар